



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Темирова Динора Ўткир қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги  
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 308-ўқув гуруҳи  
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17551257>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> November 2025  
Accepted: 2<sup>nd</sup> November 2025  
Published: 6<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

ўзини ўзи бошқариш  
органлари, жиноятчилик,  
ҳисобот, ҳамкорлик,  
профилактика инспектори,  
хуқуқбузарликлар  
профилактикаси.

Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кенг қамровли  
ислохотлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи  
яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Хуқуқбузарликлар профилактикаси  
тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда хуқуқ-тартибот  
мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бу эса  
фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминламоқда. Олиб борилган  
ислохотлар давомида хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг янги тизими  
шаклланди.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини  
амалга оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги  
натижасида хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги  
ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш,  
ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий  
муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан  
ҳамкорликда профилактик чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “«Биз “Адолат – қонун  
устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, хуқуқбузарлик  
ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал  
давом эттираемиз. Бу борада хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида  
эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш,  
профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун

### ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика  
инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш  
органларида хуқуқбузарликлар ва жиноятчилик  
профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар ойда  
ҳисобот бериш тартиби, ҳисобот бериш  
йўналишлари, маҳаллада ҳавфсизликни  
таъминлашда давлат органлари билан ҳамкорлиги  
ҳақида сўз юритилади.

*муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор*"<sup>1</sup> деб бежизга таъкидламаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган<sup>2</sup>.

Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 6-сентябрдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 193-сон буйруғи тасдиқланган.

Юқорида кўрсатилган буйруқ асосида ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган.

Профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари вакиллари, фуқаролар йиғинидаги хонадонларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари иштирокида амалга оширилади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш куни фуқаролар йиғини кенгаши томонидан ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади. Йиғин ўтказилишидан уч кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон осиб кўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан олиб борилади. Йиғин баённомаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), фуқаролар йиғини масъул котиби, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар вакиллари профилактика инспекторларининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғинга фуқаролар йиғини томонидан таклиф этилади.

Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

<sup>2</sup> 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>.

экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш, ижтимоий хавfli ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориш.

Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим.

Профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши муайян сабабларга кўра мумкин бўлмай қолган ҳолларда (профилактика инспектори вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, бошқа лавозимга ўтганда, нафақага чиққанда) ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси билан келишилган ҳолда ҳисобот бериш учун бошқа кунни белгилайди.

Ҳудудга хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори лавозимига янги ходим тайинланса, ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) иштирокида аҳолига профилактика инспектори лавозимига янги тайинланган ходимни таништиради.

Профилактика инспектори лавозимга тайинланган кундан бошлаб амалга оширган ишлари юзасидан фуқаролар йиғинида ҳисобот беради.

Профилактика инспекторлари фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги аҳоли (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Ўтказиладиган йиғинга фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш яқунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади.

Профилактика инспекторининг фаолиятига баҳо бериш йиғин қарори билан белгиланади. Фуқаролар йиғини унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда фуқароларнинг ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги вакилларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни олиб борувчи масъулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳисобот беришга тайёргарлик кўриш жараёнида ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалардан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни олади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, енгил табиатли аёллар ва фоҳишалар, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайрихоҳ бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар сони ва уларнинг турмуш тарзини аниқлаш бўйича қатор вазифаларни амалга оширади. Шунингдек, фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши назарда тутилади.

Жамиятда қайси соҳа бўлмасин унинг фаолияти таҳлил этилмаса, ундаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб бартараф этиш чоралари кўрилмаса, соҳани ривожлантириб бўлмайди ва натижада фаолиятида унум бўлмайди. Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар органлари тизимларида профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тизими яратилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

“Маҳалла – ҳам онанг, ҳам отанг” ҳикмати бежиз айтилмаган. Маҳалланинг тарбия маскани сифатида янада шаклланишига барча бирдек ҳисса қўшмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этиш мақсадида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди. Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ишлаш тизимига ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши белгилаб қўйилган.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Алиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш: ислоҳот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоатхавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-

Шу сабабли ҳам профилактика инспекторининг ҳисоботини режа учун эмас, аввало, ўзи хизмат қилаётган маҳалладаги жамоат тартибини, фуқароларнинг тинчлигини сақлаш учун ишлаши ва хизмат қилишини такомиллаштириш йўлидаги фаолият сифатида баҳолаш лозим. Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш,

Шунингдек одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, уларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

Вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар), фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Ҳуқуқбузарликларни (одам савдоси жинояти ва ҳуқуқбузарлигини) аниқлаш ва уларга чек қўйиш,

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни,

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни (одам савдосини) содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш,

ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориш.

Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг даҳлсизлигини таъминлаши лозим<sup>4</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари маҳалласида ҳар ойлик ҳисоботни маҳалла еттилиги аъзолари билан биргаликда бериб бормоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халққа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чуқур ҳуқуқий билимни ҳам талаб этади.

амалийконференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022 й. 23-б

<sup>4</sup> Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaevich. "ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI." *Yangi asr innovatsiyalari jurnali* 11.6 (2022): 117-121.

Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларигина давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидаги ҳақиқий вакили бўла олади. Юксак билимли ва ватанпарвар профилактика инспекторлари маҳалла аҳолисига ҳисоботи уларни маҳалла билан ҳамкорлигининг ажралмас ва муҳим бўлаги бўлиб, фаолиятни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш имконини беради. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш йўлидаги ушбу давлат органлари билан ҳамкорлик ва ҳисобдорлик профилактика инспекторининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу ҳисобот бериш тартибининг жорий этилиши маҳаллада жиноятчилик камайишига олиб келади. Маҳалла эса тинч бўлади. Тинч бўлган маҳаллада эса маҳалла фуқаролари давлатимиздан рози бўлиб роҳат-фароғатда яшайди. Ўзини ўзи бошқариш органларида профилактика инспекторларининг ҳисобот бериши маҳаллада жиноятчилик камайиши ва ҳавфсиз муҳит яратилишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан.
3. Алиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш: ислохот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022 й. 23-6
4. Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaevich. "ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI." *Yangi asr innovatsiyalari jurnali* 11.6 (2022): 117-121.
5. Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 371-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
6. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "MUHIM SIYO'SATDAN KASALLIK INSPEKTORLARINI OLDINI O'LISH". *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.2 (2024): 58-62..
7. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM O'LISHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "MUHIM HODISA BO'LGAN HOLDA KASALLIKNING MUHIMLIGINI TEKSHIRISHNI profilaktikasi". *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1-2 (2024): 130-136.

9. Мустофақулов Б. А. Ў., Эшонқулов Ё. Х. Ў. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 126-132.

